RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 16-fevral • Shanba • 21 (27.826) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**«Жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий илғор ва юксак технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этмасдан туриб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиламасдан туриб иқтисодиётимиз келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас».**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### О.Х.Оллабергановни Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15-банди/ ва 102- моддаларига мувофиқ: Оллаберган Хаитбоевич Оллаберганов Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2008 йил 15 февраль*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### И.А.Бобожоновни Хоразм вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- /15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ: Ислом Алимович Бобожонов Хоразм вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2008 йил 15 февраль*

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

**15 февраль куни Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.**

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Хоразм вилоятининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, бу ўлкада мавжуд бўлган барча имкониятларни ишга солиш, ер ости, ер усти бойликларидан оқилона фойдаланиш, янги иш жойларини ташкил қилиш ва шулар ҳисобидан шу заминда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражаси ва маданиятини юксалтириш, уларни рози қилиш ҳар доим бизнинг энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлиб келмоқда, деди Президент.

Ана шу мақсадларга эришиш йўлида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда, уларнинг суръат ва самараси вилоят ҳаётида, одамларнинг кундалик турмушида ўз ифодасини топмоқда.

Хоразм воҳасининг охирги йилларда эришган марралари ҳақида гапирганда, бир муҳим фикрни алоҳида таъкидлаш зарур. Яъни, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, кенг кўламда олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалий натижалари, янги-янги қурилишлар, вилоят маркази, шаҳар ва туманларнинг қиёфаси тобора обод бўлиб бораётгани, қишлоқ хўжалиги соҳасида нисбатан оғир шароитга қарамасдан, ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлигини кўтариш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар Хоразмнинг бошқа вилоятлардан кам бўлмасдан, изчил ривожланаётганидан далолат беради. Шу борада баъзи бир рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2007 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг салкам 8 фоизга, саноат — 11,8 фоизга, капитал қурилиш — 11,6 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси — 19,7 фоизга ўсганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибидаги улуши республикада энг юқори кўрсаткични, яъни 64,4 фоизни ташкил этгани ёки бир йилда икки баробар ўсгани, ҳудуддаги мавжуд қўшма корхоналарнинг экспортдаги ҳиссаси ортиб бораётгани — бундай ютуқларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин — буларнинг барчаси вилоятнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатиб турибди, дея қайд этди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида бугун вилоятда 19 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда, энг муҳими, уларга хизмат кўрсатиш бўйича зарур шарт-шароит, таъминот шохобчалари ва инфратузилма яратиб берилган.

Хоразм вилоятида ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ечиш йўлида ҳам кўпгина ишлар қилинмоқда. Воҳанинг мураккаб табиий шароитида қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг оғирини енгил қилиш, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Шу борада 2007 йилда вилоятда 490 минг квадрат метр уй-жой барпо этилди, 46 километрлик ичимлик суви, 46,4 километрлик табиий газ тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Айниқса, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ҳудуднинг санитария ва гигиена ҳолатини яхшилашга қаратилган «Тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги» лойиҳаси доирасидаги тадбирлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Қадимдан илму маърифат, юксак маънавият маскани бўлиб келган Хоразм заминида ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, энг аввало, уларга замонавий билим бериш, зарур касб-ҳунарларга ўргатиш борасида қўлга киритаётган улкан ютуқларимиз барчамизга мамнуният бағишлайди. Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида бу ерда 5 минг 400 нафар ўқувчига мўлжалланган 8 та касб-ҳунар коллежи, 555 ўқувчи таълим оладиган 1 та академик лицей барпо этилди, 9 минг 800 ўринли 32 та мактаб янгитдан қурилди ва капитал таъмирланди.

Биз бу ўзгаришларнинг барчасини ёш авлодимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай voяга етиши, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига мустаҳкам пойдевор яратиш мақсадида амалга ошираётган энг катта ишларимиз, деб баҳолаймиз, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз, жамиятимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳам кейинги йилларда вилоятда эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда.

Жумладан, Республика ихтисослашган урология маркази ва Шошилинч тиббий ёрдам марказининг Урганч филиаллари, вилоят марказий болалар шифохонаси, кардиохирургия бўлими, онкология шифохонаси, «Хонқа санаторийси» каби замонавий тиббиёт масканлари фойдаланишга топширилганини соғлиқни сақлаш соҳасида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг амалий натижаси сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Шулар қаторида 2007 йилда 2 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилиб, уларнинг умумий сони 65 тага етгани аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хоразм вилоятининг иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш йўлида қилинган ана шундай ишларни тан олиш билан бирга, бу ерда ҳали-бери ечилмаган масалалар ва одамларни қийнаб келаётган кўпгина муаммолар борлигини, уларни ҳал этишга етарли даражада эътибор берилмаётганини ҳам қайд этиш зарур, деди Президент.

*(Давоми 2-бетда)*

**☑ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати**

# Барчамизга бирдек дахлдор

**вазифаларни амалга оширишда ўзимизга хос ўрнимиз бўлиши керак, дея таъкидлашди Ўзбекистон ХДП фаоллари**



*Эртага имкониятларингни янада кенгайтириш учун бугунги имкондан оқилона фойдаланишинг керак, дейди кексалар. Бунинг замирида улкан маъно мужассам. Агар жамият бугун ўз ворисларини, яъни ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар жиҳатдан тўғри тарбияласа, эртанги кун тараққиёти жадаллаши тайин. Ёшлар давлат томонидан яратиб берилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланса, юксак чўққиларни забт этиши муқаррар. Шу тариқа мамлакат обод бўлади, халқи фаровон турмуш кечиради.*

*Бугун диёримизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ёш авлод масаласига, мамлакат аҳолисининг қарийб 64 фоизини ташкил этадиган ёшлар муаммоларини ҳал этишга жиддий эътибор қаратилаётгани улуғ мақсадлар ифодаси, десак хато бўлмайди. Шу маънода, Президентимизнинг бу йилни Ёшлар йили деб эълон қилгани чуқур мазмун-моҳиятга эга. Бу нафақат давлат идоралари, балки жамоат ташкилотлари ва нодавлат тузилмалар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.*

*Ўзбекистон ХДПда ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ҳам ёшлар мавзуига бағишланган машғулотлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда партия Марказий Кенгашида «Ёшлар — халқимиз, Ватанимиз келажаги, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи» мавзуида тадбир бўлиб ўтган эди. Ҳозир бу мавзу партиянинг минтақавий кенгашлари семинарларида муҳокама қилинмоқда. Тошкент вилоят кенгаши қошидаги сиёсий семинар машғулоти ҳам шу ҳақда бўлиб, унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, вилоят партия кенгаши аъзолари, экспертлари, масъул ходимлар, БПТ етакчилари ва партиянинг ёш фаоллари иштирок этишди. Анжуман аҳолисининг 68 минг нафарини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этадиган Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди.*

3-бет

**☑ Анжуман**

# Олима аёлларга эътибор

Хотин-қизларнинг фан, таълим тараққиётидаги фаолиятини кучайтириш, давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини таъминлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадларидан биридир. Айни пайтда эса уларнинг барча соҳалардаги фаол иштирокини ҳам эътироф этмоқ жоиз. Масалан, илм-фан соҳасини оладиган бўлсак, 20 нафар олий ўқув юртлари проректорлари, 34 та факультет деканлари, 390 та кафедра мудирлари, фундаментал илмий тадқиқотларда раҳбар аёлларнинг салмоғи 37 нафарни, илмий-тадқиқотларда эса 162 тани ташкил этади. Лекин бу борада олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўнгилдагидек натижа бериши учун ҳали янада кўпроқ ишлаш, айниқса, илм-фанда хотин-қизлар фаоллиги ва иштирокини ошириш кераклигини даврнинг ўзи талаб қилаётир. Шу мақсадда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликда «Олима аёлларнинг фан-техника тараққиётида тутган ўрни» мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этди. Унда қатор олий ўқув юртлари раҳбарлари, аспирантлар, тадқиқотчилар, илмий жамоатчилик вакиллари аёлларнинг илм-фанда эришган ютуқлари, бу соҳада учраётган муаммо ва камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўз юритдилар.

Конференцияда таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизини аёллар ташкил этади. Жамият, унинг асоси бўлган оилани аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда аёлларнинг фан-техника тараққиётидаги ролини фаоллаштириш, янада кучайтириш учун бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамай, уларнинг илм-фандаги изланишлари, таълим жараёнидаги иштироки талаб даражасида эмас.

**Светлана ИНОМОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси:**

— Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини кўтариш давлатчилигимизнинг устувор йўналишидир. Аммо айрим сабабларга кўра, уларнинг фан тараққиётига қўшаётган ҳиссаси, айниқса, баъзи йўналишлар бўйича иштироки мақтовга арзигулик эмас. Биология, химия, психология, техника, тарих, геология, қишлоқ хўжалиги, сиёсатшунослик, физика-математика, санъатшунослик йўналишлари бўйича номзодлик ва докторлик диссертациясини ёқлаётган аёллар кам, ҳатто 2007 йилда баъзи йўналишлар бўйича бирорта аёл илмий иш қилмаган. Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган 112 нафар қиздан 44 нафаригина фан ва таълим йўналишидаги илмий изланиши учун ушбу мукофотни олган. Улардан фақат биттасигина фан номзоди диссертациясини ёқлади. Айрим йўналишлар бўйича талабаликка қабул қилинаётган қизлар сони кўпайиш ўрнига камайиб бормоқда.

**Азим ПАРПИЕВ, олий ва ўрта махсус таълим вазири:**

— Иқтидорли қизларнинг фаолият турларини кенгайтириш, иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулот етказиб бериш жараёнига олималарни жалб этиш даркор. 2006-2007 йилларда республикамизда бўлиб ўтган барча танловларда 2 миллионга яқин қиз ўз иқтидорига ишониб иштирок этган. Қизларнинг олий ўқув юртини тамомлагач, илмий ишни давом эттирмаслигининг бир қанча сабаблари бор. Биз бу муаммоларни бартараф этиш учун уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмлари устида ишлаяпмиз.

**Мамлакат МАҲКАМОВА, Тошкент ахборот технологиялари университети декани:**

— Биз аёлларнинг илмий изланишлари, соҳа ривожига қўшаётган ҳиссасини ошириш учун фан номзоди диссертациясини ёқлаган тадқиқотчи аёлларни 3 миллион, фан доктори илмий даражасини олган хотин-қизларни эса 6 миллион сўм миқдорида моддий рағбатлантирамиз...

Шунингдек, анжуманда қатор ютуқлар ҳам санаб ўтилди. Масалан, соҳада қилинаётган ижобий ишларнинг натижаси сифатида фан докторлари орасида аёллар 16 фоиз, фан номзодлари 33 фоиз, магистрлар 33,2 фоиз ва бакалаврлар 39,2 фоизни ташкил этишини таъкидлаш мумкин. Республикада мавжуд олий ўқув юртларида олима аёллар сафини кенгайтириш, ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватлаш, салоҳиятли ёшларга эътиборни кучайтиришда шу каби илмий-амалий конференциялар ўта муҳимдир.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**Гулгун СУЛТОНОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**


**Соғлом отадан соғлом бола** — 3

**Гармонлари ҳали бир меъёрга келмаган ёш йигитга қараганда ёши катта эркакдан соғлом бола дунёга келар экан.**

**Гуноҳларнинг энг оғири** — 4

**ғийбат эканлигини биламизу, аммо...**

**Кўпчилик ғийбат билан туҳмат тушунчаларини янглиштиради. Кимнингдир шахсий ҳаётини четдан туриб, ўзгалар билан муҳокама қилиш, бировнинг юриш-туришини, турмушини ўзи яхши билмаган ҳолда таҳлил қилиш ғийбатдир. Лекин...**

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, саноат соҳасида оқсоқлик ҳолатлари мавжудлигини очиқ айтиш керак. Буни ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши охирги 7 йил давомида ўзгармасдан, 8 фоиз даражасида қолиб келаётгани ҳам исботлайди.

Вилоятда ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик сурункали тус олаётгани ташвиш уйғотади. Масалан, мавжуд қувватлардан ун ишлаб чиқаришда 41 фоиз, ўсимлик мойи бўйича 54 фоиз, гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрлаш бўйича 42 фоиз, трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришда 40 фоиз, омухта ем тайёрлашда эса 12 фоиз фойдаланилмоқда, холос.

Бунга кўп ҳолларда хомашё ва ресурслар етишмаслиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Лекин, аслида, бунинг сабаби ишни замонавий асосда, тўғри ташкил этолмаслик, изланувчанлик, ташаббус ва тадбиркорликнинг етишмаслигида, десак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Мисол учун, 2007 йилда вилоят бўйича тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестиция миқдори мамлакатимиз миқёсидаги кўрсаткичнинг атиги 1,4 фоизини ташкил этиши албатта ҳеч кимни қониқтирмайди.

Ўтган йили бевосита Хоразм вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан хорижий инвестициялар иштирокидаги биронта ҳам лойиҳа амалга оширилмаган.

Гарчи 2007 йил якунлари бўйича вилоят дотациядан чиққан бўлса-да, бир қатор туманлар, хусусан, Гурлан, Шовот, Янгиариқ, Қўшкўпир ва Янгибозор туманлари ҳамон дотацияда қолиб келаётганини афсус билан қайд этиш керак.

Шундан сўнг Президент Хоразм иқтисодиётининг ривожланиши ва аҳолининг асосий даромад манбаи бўлмиш, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 41,5 фоизини ташкил этадиган етакчи тармоқ — қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи ҳақида тўхталиб ўтди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги энг катта муаммо — бу ерларнинг мелиоратив ҳолати тобора ёмонлашиб, тупроқ унумдорлиги, унинг бонитети пасайиб бораётгани билан боғлиқ. Бу муаммо, айниқса, Хоразм воҳаси учун қанчалик муҳим ва долзарб экани тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Бугунги кунда вилоятда 28 минг гектар ёки 10 фоиздан ортиқ суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз аҳволда бўлиб, бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ривожига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганини барчамиз яхши тушунамиз. Республика миқёсида эса бу кўрсаткич 8 фоизни ташкил этмоқда.

Хоразмдаги вазиятнинг мураккаб томони шундаки, деҳқончилик қилинадиган ерларнинг салкам 60 фоизи ўртача ва кучли даражада шўрланган. 220 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ер ости сувлари ўта яқин, яъни бир ярим-икки метр чуқурликда жойлашгани ҳам бу соҳада қўшимча қийинчиликларни туғдирмоқда.

Натижада кейинги 10 йилда суғориладиган майдонларнинг ўртача ер бонитети вилоят бўйича 2 баллга, Қўшкўпир ва Урганч, Ҳазорасп ва Хонқа, Хива ва Янгиариқ туманларида эса 6 баллгача пасайиб кетгани кузатилмоқда.

Агар бу ўткир масала ҳақида бугун ўйламасак, деди давлатимиз раҳбари, бу муаммо йилдан-йилга кучайиб қандай салбий оқибатларга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Барчамизга аёнки, Хоразм заминида одамлар кечани-кеча, кундузни-кундуз демай фидокорона меҳнат қилмоқда, миришкор деҳқонлар, моҳир фермерлар ҳақиқий жасорат намунасини кўрсатмоқда. Лекин шундай бир шароитда ерларнинг мелиоратив ҳолати ана шу меҳнатнинг самарасидан тўлиқ баҳраманд бўлиш, етарли даромад олиш ва соҳани барқарор ривожлантиришга ғов бўлиб турибди.

Шунинг учун ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича яқинда қабул қилинган давлат дастурида бошқа ҳудуд ва минтақалар қаторида бу масалада Хоразм вилоятида юзага келган аҳволни тубдан ўзгартиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, 2008-2012 йилларда вилоят бўйича қарийб 40 миллиард сўм, жумладан, 2008 йилнинг ўзида 6 миллиард сўм ҳажмидаги мелиорация ишлари амалга оширилади. Бу эса бошқа вилоятларга нисбатан икки баробар кўп демакдир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кейинги икки йил давомида вилоятга 50 дан ортиқ хорижда ишлаб чиқарилган замонавий мелиорация техникалари олиб келинди. Келгусида яна 20 та ана шундай техника сотиб олиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, 165 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида 60 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа ишлари амалга оширилади.

Ҳеч шубҳасиз, белгиланган ана шундай комплекс дастурлар вилоят қишлоқ хўжалигидаги мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, ҳосилдорликни кўтариш, энг муҳими, деҳқонларимизнинг ўз меҳнатидан ҳар томонлама манфаат топиши учун янги имкониятлар очиб беради.

Юртбошимиз мажлис аҳли эътиборини яна бир муаммога қаратди. Бу вилоятда пахтачилик соҳасидаги аҳвол билан боғлиқ. Сўнгги йилларда воҳада пахта ҳосилдорлиги сурункасига пасайиб бормоқда. Кейинги тўрт йил давомида ҳосилдорлик ўртача 1,3 центнерга камайди. Айниқса, Қўшкўпир, Урганч ва Ҳазорасп туманларида ҳосилдорлик даражаси паст бўлиб, ўтган йили гектарига ўртача 20-22 центнерни ташкил этганини албатта ижобий баҳолаб бўлмайди.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида кўп гапирмасдан, биргина масала — яъни, Хоразмнинг тупроқ, сув ва иқлим шароитига ҳар томонлама мос келадиган, серҳосил ва эртапишар навларни яратиш масаласини олайлик.

Маълумки, Хоразм вилоятида 20-30 йил давомида «175-Ф» деган ғўза нави экиб келинди. Айтиш керакки, бу жуда инжиқ, нозик нав бўлиб, бугунги кунда ундан воз кечилди. Ҳозирги вақтда вилоятда «Меҳнат» ва «Хоразм-127» навлари экилмоқда. Улар янги районлаштирилган навлар бўлиб, афсуски, ҳосилдорлиги ва дунё бозорида харид нархи етарли даражада эмас.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, авваламбор, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва мутасадди идоралар воҳада селекция ва уруғчилик, навларни танлаб экиш ва синовдан ўтказиш ишларини кучайтириш ва шу асосда маҳаллий шароитга мос келадиган истиқболли ғўза навларини яратиш масаласини ҳал қилиши зарур, деб таъкидлади Президент.

Бугунги кунда вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш ҳам кун тартибида долзарб бўлиб турибди. Шу борада биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу масала бўйича мавжуд аҳволнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 2007 йилда касб-ҳунар коллежларини тугатган қарийб 15 минг 900 нафар ўқувчининг фақат 9 минг нафари ишга жойлаштирилган, холос.

Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида бу масалага мамлакатимиз раҳбари алоҳида тўхталган эди. Бу ўта муҳим масалани тегишли мутасадди ташкилот ва идоралар маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда ҳар томонлама чуқур ўрганиб, касб-ҳунар коллежларини битириб чиқаётган ёшларимизни замонавий иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган амалий чораларни кўришлари шарт, деди Президент.

Вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, йўлларни таъмирлаш бўйича ички имкониятларни ишга солиш, ҳомийларни жалб этиш масаласида, афсуски, кўпгина туман ва шаҳар раҳбарларида ташаббус етишмаётганини очиқ айтишга тўғри келади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг, обод ва тўкин, одамнинг ҳавасини тортадиган бозорларни кўрасиз. Бозорлар юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигининг кўзгусига айланиб қолди. Лекин, таассуфки, Хоразм вилоятининг ҳамма туманларида ҳам бу масала ҳал этилган, деб бўлмайди. Хусусан, вилоятдаги мавжуд 28 та деҳқон ва буюм бозорининг 16 таси қайта қуриш ва таъмирлашга муҳтож экани ана шундай хулоса чиқаришга асос беради.

Юртбошимиз сессия иштирокчиларининг эътиборини Урганч шаҳрининг бош майдонини тартибга келтириш, уни миллий ва замонавий меъморчилик ютуқлари асосида қайтадан барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга қаратди.

Афсусланарли томони шундаки, вилоятнинг қиёфасини кўрсатадиган, таъбир жоиз бўлса, унинг юзи бўлган мана шу майдонни обод қилиш, бу ерда одамлар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш масаласи узоқ йиллар давомида вилоят ва шаҳар раҳбариятининг эътиборидан мутлақо четда бўлиб келди.

Фақатгина Тошкентдан туриб, ушбу масалани бир неча марта кун тартибига қўйиб, малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилганидан кейингина бу борада амалий ишлар бошланганини айтиш лозим.

Шундан сўнг Президентимиз вилоятда қонунчиликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги аҳвол, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, бу соҳадаги вазият ташвиш уйғотади. Вилоятда биргина 2007 йилнинг ўзида оғир ва ўта оғир жиноятлар, қасддан оғир тан жароҳати етказиш, босқинчилик, безорилик кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсгани, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар кўпайгани кузатиляпти. Кейинги йилларда мансабдор шахслар томонидан порахўрлик ва ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, уларнинг содир этилаётган жиноятларда иштирок этган ҳолатлари бўйича мисолларни келтириш мумкин.

Прокуратура органлари томонидан олиб борилган тергов материаллари асосида суд ҳукми бўйича мана шу жиноятларни содир этган шахслардан етказилган иқтисодий зарар тўлиқ ундириб олинди ва улар қонун талабларига мувофиқ жавобгарликка тортилди.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаётимизда ҳали-бери учраб турадиган бундай жирканч ишларнинг олдини олиш, уларни таг-томири билан бартараф этиш — бу авваламбор қонун муҳофазасида, қонун ҳимоясида турган идоралар — бу прокуратура бўладими, милиция ёки суд органлари бўладими — уларнинг асосий вазифаси ва бурчи бўлиши керак, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Нега деганда, бундай ҳолатлар жамиятимизнинг олдинга юришига, юртимизнинг барқарорлигини сақлашга, фуқароларимизнинг тинчлиги ва ҳимоясини таъминлашга, энг муҳими, одамларимизнинг эртанги кунга, адолатга бўлган ишончини мустаҳкамлашга катта зарар етказади.

Фуқароларимиз қонун устуворлигини, содда қилиб айтганда, ким қаерда, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, қонун барчамиз учун баробар эканини ва қонунни бузган тақдирда ҳамма учун жазо муқаррар бўлишининг тасдиғини амалда кўриши шарт.

Шундан кейин аҳолининг ҳокимиятга ҳам, адолатга ҳам ишончи кучайиши ва жамиятимизда соғлом муҳитни ташкил қилишимиз мумкин бўлади.

Шу маънода, мана шундай тамойилларни ҳаётимизда ҳар томонлама қарор топтириш, одамларнинг ҳокимиятга бўлган ишончини мустаҳкамлаш авваламбор шу юртнинг етакчиси бўлмиш раҳбарга, ҳокимга кўп жиҳатдан боғлиқ эканини англаш қийин эмас. Бу ҳақиқатни кўп-кўп ҳаётий мисолларда кўриш мумкин ва бугун буни ортиқча исбот қилиб ўтиришга ҳожат йўқ.

Шундан кейин Президент кун тартибига қўйилган ташкилий масала ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Хоразм вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Ислом Бобожоновнинг фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, бу одам тўққиз йил давомида вилоятга раҳбарлик қилди. Табиийки, Хоразм воҳасининг ана шу даврда эришган барча ютуқларида унинг ҳам ҳиссаси бор.

Эътироф этиш керак — бу раҳбар дастлабки пайтларда фаол ишлади, мавжуд муаммоларни ечиш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, вилоятни ривожлантириш учун анча ҳаракат қилди. Лекин, очиғини айтиш керакки, кейинги йилларда вилоятда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашда принципиаллик кўрсата олмади, атрофида гирдикапалак бўлиб юрган ҳар хил хушомадгўй кимсаларга, таниш-билиш, қариндош-уруғларига нисбатан сезгирлиги ва қатъиятини йўқотди. Ва энг ачинарли томони шуки, жиноят йўлига ўтган, қинғир-қийшиқ ишлар билан шуғулланиб юрган бузғунчи одамларнинг таъсирига тушиб қолди.

Мен қаерда бўлмасин, ўзимнинг кўплаб чиқишларимда бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳақида, раҳбарларнинг қатъиятлиги ва ҳалоллиги билан бошқаларга ўрнак бўлиши зарурлиги ҳақида қайта-қайта даъват этишим бежиз эмас, албатта, деди Юртбошимиз.

Минг афсуски, кўпгина ҳолатларда ўзи шу юртда туғилиб ўсган, унинг сувини ичган туппа-тузук баъзи инсонлар масъул лавозимни эгаллагач, тўрт-беш йил давомида боши айланиб, иродаси сусайиб, ўзини йўқотиб қўйиб, оқни қорадан ажратишга заиф бўлиб қолар экан.

Бу эса, муҳитнинг бузилишига, адолатсизликка сабаб бўлади. Муҳит бузилган жойда эса, раҳбарга ишонч ва ҳурмат йўқолади, иш ўрнига гуруҳбозлик, ўзаро зиддият ва низолар кучаяди, юртдан барака кўтарилади.

Ҳар қайси раҳбар — у ҳоким ёки вазир бўладими, корхона ёки жамоа бошлиғи бўладими — ўз қатъияти ва талабчанлигини қачон ифода этиши, қачон тўла намоён қилиши мумкин?

Қачонки бошқаларга ўрнак бўлиб, ҳеч кимдан тили қисиқ бўлмаса, ҳеч кимнинг олдида муттаҳамлиги бўлмаса. Одамларнинг кўзига тик қараб, бошини баланд кўтариб юришга қодир бўлса.

Энг асосийси, давлат ва халқ ишонч билдирган раҳбарнинг оёғи ердан узилиб, салбий томонга ўзгаришини кимки одамлар сезмайди, билмайди, деб ўйласа, қаттиқ янглишади.

Эл-юрт кўп нарсадан хабардор, ҳаммасини кузатади, яхши билади, ўз хулосасини чиқаради. Натижада бундай раҳбар одамлар ўртасида, жамоа назарида, халқнинг кўз ўнгида ўз обрўсини йўқотади, деб қайд этди Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. И.Бобожонов Хоразм вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига кўра Хоразм вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Оллаберган Оллаберганов Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунлари ва 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қабул қилинган қарорга асосланиб келгуси йилда республикамизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда, деди Юртбошимиз. Бу дастурларда барча ҳудуд ва минтақаларимиз қатори Хоразм вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришга доир режа ва лойиҳалар ҳам — бу саноат ёки қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўладими, янги йўллар, газ ва сув тармоқлари, таълим-тарбия, маданият ва шифо масканлари ёки турар жойлар барпо этиш бўладими — албатта ўзининг ифодасини топиши ва амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Бунга ҳеч кимда шубҳа бўлмаслиги керак.

Қадимий Хоразм воҳасининг мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос ва ўзига мос бетакрор ўрни бор. Хоразм аҳли маррани баланд қўйиб, келажакка катта умид ва ишонч билан қарайдиган халқ.

Ўз юрти, ўз ерига юксак муҳаббат ва садоқат туйғуси, ҳалол ва мардона меҳнати билан буюк аждодлар руҳини эъзозлаб, ўзлигини асраб келаётган бундай олижаноб элга хизмат қилиш ўзини раҳбар ва етакчи деган ҳар қайси инсон учун катта бахт, катта шарафдир.

Хоразм вилоятининг бугун сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган янги раҳбари ана шу ҳақиқатни ўзи учун асосий мезон деб билса, шу аснода одамларнинг қалбига йўл топиб, бутун воҳа аҳлини ўз ортидан эргаштира олса, ҳеч шубҳасиз, эл-юрт ишончини оқлашга эришади, деди пировардида Ислом Каримов.

Сессияда сўзга чиққан «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Р.Қутлимуродов, Қизил ярим ой жамияти Боғот тумани бўлими раисаси Б.Машарипова, «Тошсоқа ирригация тизимлари» бошқармаси бошлиғи Ш.Бекжонов, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева ва бошқалар Президентимиз нутқида билдирилган фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, уюшқоқлик ва ташаббускорлик билан адо этиш вилоят аҳлининг бугунги кундаги асосий вазифаси эканини алоҳида таъкидладилар.

**(ЎзА)**

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари таҳлил қилиниб, 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди.***

***Қашқадарё вилояти фаолларининг шу масалага бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Н.Зайниев бошқарди.***

# Устувор вазифалар белгиланди

Қашқадарё вилоятида ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,8 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш саноатда 14,3, қишлоқ хўжалигида 8,1, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 18,1, чакана савдо айланмаси 12,9 фоизга ошди.

Саноат корхоналарини модернизация қилиш ва соҳада олиб борилган таркибий ўзгаришлар туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда. Хусусан, 53 та саноат корхонаси 55 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига модернизация қилинди. Йил давомида иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида 830 миллиард сўмлик, шу жумладан, 136,4 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу ижобий ўзгаришлар ташқи иқтисодий кўрсаткичларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. 2007 йили экспорт ҳажмининг ўсиш суръати қарийб 2 мартага ортгани бунинг яққол далилидир.

Бандлик дастурига мувофиқ 54,2 мингта янги иш жойи яратилди. Уларнинг 90 фоизи қишлоқларда ташкил этилиб, 30 мингга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди. Ҳисобот даврида 788,8 минг квадрат метр уй-жой, 19 та янги мактаб биноси қурилди, 43 мактаб капитал реконструкция қилинди, 18 та касб-ҳунар коллежи, 2 та академик лицей фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 28,2 километр газ ва 188,8 километр ичимлик суви тармоқлари барпо этилди.

Фаоллар йиғилишида вилоятга хорижий инвестицияларни олиб кириш, экспортга йўналтирилган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада вилоятнинг дотациядан чиқа олмаётган Қамаши, Деҳқонобод, Яккабоғ, Китоб, Чироқчи туманларида ҳар томонлама пухта ўйланган аниқ инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Айни вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дастур ижросини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб қолмоқда.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ва жорий йилдаги устувор вазифалар белгиланди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Шоисматов сўзга чиқди.

**А.МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ☑ Ҳаёт йўлида биринчи масала мактаб масаласидир

# Энг намунали мактаб



*Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактаб истиқлол мевасидир. Бундан 10 йил муқаддам қуриб битказилган ушбу ўқув даргоҳи 2005 йилдаги таҳлил натижаларига кўра, мамлакатимиз мактаблари орасида «Йилнинг энг яхши мактаби» деб топилган эди.*

*— Мактабимизнинг бундай юқори даражаларга эришишида жамоамизнинг ўзаро аҳиллиги, қолаверса, ўқитишнинг бир қатор ноанъанавий усулларидан фойдаланаётганимиз қўл келмоқда, — дейди мактаб ўқув ишлар мудири Мавжуда Қувноқова. — юз нафардан ортиқ моҳир педагог-ўқитувчилар ёшларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.*

**Суратда:** *324-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Ш.Собирова дарс пайтида.*

**Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

**Эҳтиром**

# Бобур ёди кўнгилларда



Андижонда шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Маҳаллаю мактабларда, ўқув юртларида адабий анжуманлар, китоб кўргазмалари ташкил этилди. Улуғ ижодкорга эҳтиром кўрсатилди. Шу куни эрталаб таниқли адабиёт ва санъат арбоблари, вилоят фаоллари, жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталган замонавий, миллий меъморий талаблар асосида янги бунёд этилган кўркам майдондаги шоир ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Тантанали тадбир шоир номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида давом этди. Сўзга чиққанлар шоирнинг адабий мероси, унинг жаҳон маданияти ривожидаги аҳамияти ҳақида фахр-ифтихор билан гапирдилар. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этилган Бобурнинг рус тилидаги шеърлари тўплами юбилейга муносиб туҳфа бўлди.

Тадбирлар доирасидаги катта концерт дастури, саҳна асарлари намойиши анжуманга кўтаринкилик бағишлади.

Тантанали тадбирда Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Андижон вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов иштирок этди.



**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

***Суратларда:*** *тадбирдан лавҳалар.*

**Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.**

## Ёш табиатшунослар



Инсон ва табиат доимо уйғунликда яшайди. Унинг турли хил сиру синоатлари ҳамиша барчани қизиқтириб келган. Шу боис, Қарши давлат университети талабалари ҳам табиат сир-асрорларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

— Факультетимизда мингдан ортиқ талаба билим олмоқда. Улар асосан экология, биология, агротупроқшунослик, география, кимё каби мутахассисликларни эгаллаш ниятидалар, — дейди кимё-биология факультети декани Барно Давронов. — Етмишга яқин тажрибали профессор-ўқитувчиларимиз ёшларга чуқур билим бериб келмоқда. Айниқса, зоология кафедрасида вилоятимизда яшовчи турли-туман ёввойи ҳайвону паррандалар ҳаёти, уларни асраб-авайлаш, табиий кўпайиши ҳақидаги илмларни қунт билан ўрганмоқдалар.

***Суратда:*** *Қарши давлат университети кимё-биология факультети декани, доцент Барно Давронов талабалар билан машғулот ўтказмоқда.*

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Махсус мактабга — махсус компьютерлар

**Бухоро шаҳридаги 24-махсус мактаб-интернат ўқувчилари барча тенгдошлари сингари компьютердан сабоқ олишга киришди. Вилоят ҳудудидаги Хаузак конини ўзлаштиришда иштирок этаётган компаниялардан бири ушбу махсус мактаб-интернатга кўзи ожизлар учун мўлжалланган махсус компьютерлар совға қилди.**

Уларнинг ўзига хослиги шундаки, ўқувчи клавиатурадаги тугмачаларни босганда, ҳарф номининг аниқ талаффузи эшитилади. Шу тариқа бола матнни тўғри ва бехато териш кўникмасига эга бўлади. Матн эса принтердан брайн тизимида чиқади.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Пекин олимпиадаси олдидан**

# Сиднейда ушалмаган орзу

**Шу йилнинг августида Пекинда ўтказиладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида спортнинг ўқ отиш тури бўйича Жаҳон кубоги соҳиби, Осиё ўйинлари ва қитъа чемпионатлари ғолиб ҳамда совриндори Дилшод Мухторов юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Айни пайтда у Республика Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Чилонзор тумани техник-амалиёт марказида машғулотлар олиб бормоқда.**

Beijing 2008



— Ҳозир кунига икки маҳалдан мураббий Али Сеттаров қўл остида машғулотларда қатнашаяпман, — дейди Дилшод. — Ёзги Олимпия ўйинлари бошлангунига қадар март ва апрель ойларида Пекин, Милан ҳамда Мюнхень шаҳарларида Жаҳон кубоги мусобақалари бўлиб ўтади. Айни чоғда барча эътиборни ана шу турнирларда юқори натижаларни қўлга киритишга қаратганман.

**— Пекин олимпиадасига йўлланмани қайси мусобақада қўлга киритган эдингиз?**

— Ўтган йили сентябрь ойида Қувайтда ўтказилган Осиё чемпионатида совриндорлар қаторидан жой олдим ва олимпиада йўлланмасига сазовор бўлдим.

**— Бунгача сиз 2000 йили Сидней олимпиадасида ҳам иштирок этгандингиз. Бироқ орадан тўрт йил ўтиб, Афинага йўлланма ололмадингиз. Буни қандай изоҳлайсиз?**

— Сидней олимпиадасида кучли бешликдан жой олгач, ўзимга бўлган ишонч ортди. Чунки ўшанда шоҳсупага кўтарилган барча спортчиларнинг имкониятини жуда яхши билардим. Агар ўз устимда астойдил ишласам, албатта мен ҳам Афинадан медаль билан қайтишимга ишонардим. Аммо «иссиқ жон иситмасиз бўлмас» экан, 2003 йил кутилмаганда бетоб бўлиб қолдим. Беш-олти ой даволандим. Мабодо ўқ отиш бўйича бир ҳафта машғулотга бормасангиз, бу натижаларга салбий таъсир кўрсатади. Мен эса қарийб ярим йил «ТИР»га яқинлашмадим. Натижада кўп вақтни бой бердим ва Сиднейда ушалмаган орзуим яна тўрт йил ортга сурилди.

**— Демак, Пекин олимпиадасидан умидларингиз катта экан-да?!**

— Бўлмасам-чи? Олимпиада ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказилади. Унда қатнашиш барча спортчига ҳам насиб қилавермайди. Тўғри, бундай нуфузли мусобақада иштирок этишнинг ўзи бир бахт. Аммо мен унда иккинчи бор қатнашаман. Агар ўзимни руҳий жиҳатдан тайёрлай олсам, совриндорлар қаторига кириш учун маҳорат ва тажрибам етади. Пекинда бундан саккиз йил илгари ушалмаган орзуимга етишмоқчиман.

**— Ҳозирда ўқ отиш бўйича дунёда қайси спортчини етакчи деб биласиз? Сизга қайси русумдаги пневматик отиш қуроли кўпроқ ёқади?**

— Кейинги йилларда Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатларида хитойликлар юқори натижаларни қайд этишмоқда. Улар орасида айниқса, Ванк Ю Фу қўлга киритаётган ютуқларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Менга ёқадиган қурол русумига келсак, асосан ўн метр масофада «»Steyp», эллик метрли масофада эса «Тоз-35» русумидаги қуроллардан фойдаланишни хуш кўраман.

**— Дилшод, охирги ўн беш йил ичида эришган натижаларингизга кўпчилик ҳавас билан қарайди. Тажрибали спортчи сифатида ушбу спорт турининг мамлакатимиздаги ривожига қандай баҳо берасиз?**

— Юртимизда ўз ишининг устаси бўлган мураббийлар етарли. Кўплаб иқтидорли ёшлар улғаймоқда. Айниқса, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ибратли ишларни кўриб хурсанд бўламан. Шу ўринда бир таклифим бор эди. Ўқ отиш бўйича пойтахтимиз ва айрим вилоятларни ҳисобга олмаганда жойларда бу спорт турини ривожлантиришга кўнгилдагидек эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Чунки аксарият вилоятларда махсус спорт иншоотлари, шарт-шароитлар етишмайди. Агар жамғарма томонидан барпо этилаётган янги спорт мажмуаларида «ТИР» майдончалари ва заллари ҳам қурилса, нур устига аъло нур бўларди. Ахир халқимиз азалдан мерганлик бобида ҳам тилларга тушиб келган. Ўз навбатида бу янги иқтидор ва чемпионларнинг кашф этилишига туртки бўлиши шубҳасиз.

**Аброр МЕЛИБОЕВ суҳбатлашди.**
**Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

**Турмуш чорраҳаларида**

# Гуноҳларнинг энг оғири

## Ғийбат эканлигини биламизу, аммо...

**Кўпчилик ғийбат билан туҳмат тушунчаларини янглиштиради. Кимнингдир шахсий ҳаётини четдан туриб, ўзгалар билан муҳокама қилиш, бировнинг юриш-туришини, турмушини ўзи яхши билмаган ҳолда таҳлил қилиш ғийбатдир. Лекин кўпчилигимиз биров ҳақида ўзимиз кўрмаган, билмаган нарса ҳақида гапиришимиз, ўз тахминимизни худдики аниқ бир гапдек яна бировга айтишимиз бу ғийбат эмас, балки туҳматдир... Лекин минг афсуски, буларнинг ҳар иккаласи ҳам ёмон бир иллат бўлиб, булар туфайли кўпчилик бегуноҳ инсонлар жабр кўрадилар. Кўп беғубор қалблар озор чекади...**

⋄⋄⋄

Бундан ўн беш-ўн олти йиллар бурун Қорақалпоғистондан келин олиб келган Ражаббойнинг тўйи узоқ вақтларгача қишлоқда тилдан тушмади. Қорақалпоқ қизлари қанақа экан, деб қўшни аёллар ҳам келинни роса кузатишди. Бир ёстиққа бош қўйган Сайёра ва Ражаббойлар узоқ йиллар иноқ яшашди. Орада уч фарзандли ҳам бўлишди. Болалар улғайиб, бўйлари етиб қолгач... Эр-хотиннинг орасидан «ола мушук» ўтди.



Тўғри, Ражаббой оға аёлини яхши кўрар, уни ардоқлаб, ҳурматини жойига қўярди. Сайёра ҳам эрининг тайинли ишда эканлигидан бир фахрланса, унинг рўзғорбоп эркак ва меҳрибон оталигидан янада хурсанд бўлиб, ич-ичидан Яратганга шукрона айтарди... Гарчи тақдир уни ота-онасидан, униб-ўсган элатидан узоқларда, соғиниб яшашга маҳкум этган бўлса-да, у оиласининг тотувлигию бахтининг бутлиги туфайли ҳаётидан нолимас эди...

Энди сарполар йиғсак, қизимизни яхши жойларга узатсак, ўғлимизни уйлантирсак деб, биргалашиб яхши орзуларга берилган эру хотиннинг кутилмаганда тинчи бузилди. Қайсидир бефаҳм қўшнининг бир оғиз туҳмати билан Сайёра ёмонотлиққа чиқди. Аёллар орасидаги миш-мишлар эркакларга, эркаклар оғзидан эса Ражаббойнинг қулоғига етди.

Гарчи Ражаббой хотинининг номусли аёл эканлигига ишончи комил бўлса-да, шундай гап-сўзлар, айнан у ҳақда тарқатилгани учун Сайёра билан кунора жанжал чиқараверди. Ҳатто хотини унинг бу азобларига чидолмай ота-онасиникига кетиб, у ёқда икки-уч ой, токи қайниукалари бориб, ялиниб-ёлвориб олиб келганидан сўнг ҳам эри барибир тинчимади, зуғумини тўхтатмади.

Хотини билан гап-сўз қилинган қўшнисини ҳам кўрарга кўзи йўқ эди унинг. Кўча-кўйда кўрса, терс бурилиб, ўзидан ўзи сўкиниб кетарди. Табиийки, аввалига унинг бу ғалати қилиғидан ажабланган қўшни кейинчалик ўша ёлғон-яшиқ гапларни эшитгач, буларнинг бари ғирт туҳмат эканлигини, айрим ғийбатчилар найранги туфайли самимий муносабатларини бузиш яхши эмаслигини унга обдон тушунтирмоқчи ҳам бўлди. Қайда, Ражаббой уни кўрдими, тамом, тутақиб кетарди. Қайтанга Бозорбой қанчалик у билан гаплашишга ҳаракат қилса, унинг шубҳалари шунча ошиб бораверди.

...Охири қўйнига пичоқ солиб кўчага чиқди. Аксига олиб Бозорбой ҳам шу пайтда йўлиқса бўладими? У ҳам Ражаббойга ўхшаб орани очиқ қилмоқчи эканми, рўпарасидан кўзлари олазарак бўлиб чиққан қўшнисига қараб «Ўзи нима гап, оғайни? Кел, сен билан эркакчасига гаплашиб олайлик», деб қолди.

Аламзада эр гап-сўзсиз Бозорбойга ташланиб, кўксига пичоқ санчди. Изма-из берилган тиғ зарбидан Бозорбой ерга қулади. Қўлидаги қип-қизил қонга бўялган пичоқни кўрган рашкчи эр қўрқиб кетдими ёхуд ичидаги ғазаби ҳалиям босилмаганмиди, нима сабабдандир пичоқни ўзигаям ура бошлади...

Бир зумда одамлар тўпланди. Кимдир мелисага, яна биров «тез ёрдам»га хабар берди. Аёллару, бўйи етган ўғил-қизлар югуриб оталарининг тепасига келишди. Жон ҳолатда оталарига ёрдам беришга уринаётган Ражаббойнинг ҳам, Бозорбойнинг ҳам болалари ўз падарларининг қонлари беўй, беандиша қўшниларнинг туҳмати туфайли оқаётганини, кап-катта эркакларнинг оқилона иш тутиш ўрнига, шайтонсифат аёлларнинг найрангига ўйнаб, шу ҳолатга тушишганини билмас эдилар. Хайриятки, шифокорларнинг шошилинч берган ёрдами туфайли иккиси ҳам тирик қолди...

Бир қўшни аёлнинг ўйламай-нетмай эрига айтган ғийбат гапи оғиздан-оғизга ўтиб, аҳил оиланинг тотувлигига, катта қишлоқнинг тинчлигига путур етказди.

Ҳа, бу туҳмату ғийбатлар балоси шунчалар ёмонки, унинг нишонига дуч келган одам азият чекмай қолмайди. Ахир ҳаётда қанчалаб бегуноҳ инсонларнинг шу иллатлар туфайли бошлари балоларга қолиб кетганининг гувоҳи бўламиз, лекин шундай оғир гуноҳга ботаётганларни инсофга, иймонга чақиришга келганда негадир шошилавермаймиз. Оқибати эса...

**Муқаддас ИСМОИЛОВА,**
**журналист.**

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги корхоналарни рўйхатга олиш бошқармаси томонидан 2000 йил 14 июлда 08-019137 рақами билан рўйхатга олинган ФN №023195 сонли Чилонзор туманидаги «Бимитс» жамоа корхонаси**

**ТУГАТИЛАДИ.**

**Даъво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади.**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририяти бўлим мудири **Игорь МОЧАЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL (Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

**Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.**
Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV**, **Sobirjon TUNG`ATOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.**
**Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 149
*15628 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
O`zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 00.15
1 2 3 4 5 6 7 8
**Sotuvda erkin narxda**